

Уламоларимизнинг Жанубий Кореядаги ташрифлари давом этмоқда



03:05 / 12.12.2022 1862

Аввал хабар берганимиздек, юртимизнинг таниқли уламолари Муҳаммад Айюбхон домла Ҳомидов ҳамда Исмоил домла Муҳаммад Содиқ Жанубий Кореядаги диндошларимиз билан учрашиб, қилиб берган илмий-маърифий суҳбатлари ҳақида маълумот берган эдик.

Бугун, 11 декабрь куни устозларимиз Сеул марказий масжидига ташриф буюриб, пешин намозидан сўнг Жанубий Кореядаги ватандошларимизга маърузалар қилиб бердилар. Жумладан, устозлар ҳалол ризқ топиш асосий муҳим масала эканлиги, мусофирчиликдаги ҳаёт қандай бўлиши лозим каби мавзуларда илмий суҳбат қилиб беришди. Учрашувнинг асосий қисми савол-жавоблардан иборат бўлди. Саволларнинг аксарияти Жанубий Кореядаги ватандошларимизнинг турмуш тарзи ва уларнинг ҳаётларига тааллуқли бўлиб, диндошларимиз устозларимиздан керакли тавсия ва

маслаҳатлар олишди.

Суҳбат сўнгида уламоларимиз жамоат аҳли ҳақида дуолар қилиб бердилар.

Аллоҳ таоло илмий суҳбатларни бардавом айлаб, устозларимизни ҳифзу ҳимоясида асрасин, бўлаётган суҳбатларни барчамизга манфаатли қилсин.

Уламоларимизнинг ташрифлари ҳақидаги маълумотларни islom.uz порталининг ижтимоий саҳифаларида кузатиб боринг.